*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
**10 апрель**
ЧОРШАНБА
**№ 30** (12562)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Вилоят ҳаёти

Янгийўл тумани

### "КИЧКИНТОЙ" ЯНАДА ОБОДОНЛАШДИ

"Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси ҳамда рус миллий маданият марказининг туман бўлимлари "Кичкинтой" меҳрибонлик уйи ҳовлисига турли мевали, манзарали дарахт ва гул кўчатлари экишди. "Қалб амри билан" шиори остида ўтказилган ободонлаштириш ишлари натижасида "Кичкинтой" ҳудуди янада чирой очди.

**Бахтиёр ШАВКАТОВ.**

Бекобод шаҳри

### «БУЮК АЖДОДЛАР АВЛОДИ»

**Шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими, "Ёшлик" маданият уйи, "Камолот" ЁИҲ шаҳар кенгаши касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида "Буюк аждодлар авлоди" кўрик-танловини ўтказди.**

Тадбирда иштирок этганлар бугунги куннинг долзарб мавзулари – эрта турмуш қуришнинг оқибатлари, гиёҳвандлик, диний экстремизм, ташвиш келтирувчи ёт ғоялар, глобал ахборот хуружлари ҳақида саҳна кўринишлари намойиш этишди, "Камолот"чилар тайёрлаган саволларга жавоб беришди.

Танловда техника-иқтисодиёт коллежи ўқувчиси Сарвиноз Ражабова биринчи, тиббиёт коллежи вакиласи Дилбар Ҳайдарова иккинчи, енгил саноат ва хизмат кўрсатиш коллежи ўқувчиси Муборак Азизова учинчи ўринни эгаллашди. Ғолибларга тадбир ташкилотчиларининг эсдалик совғалари топширилди.

Бекобод тумани

### ҲИМОЯ УЧУН БИЛИМ КЕРАК

**Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти вилоят ҳудудий бирлашмаси ташаббуси билан туман фаоллари, жойлардаги таянч гуруҳлари раҳбарлари, мутасадди ташкилот ва муассаса раҳбарлари иштирокида семинар ташкил этилди.**

Семинарда "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти ва уни кенг тарғиб қилишга оид маърузалар тингланди. Истеъмолчи доимо ҳақлигини эътиборга олиб, тайёрланаётган ва сотилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, хизмат савиясини кўтариш, эътироз ва норозиликларнинг олдини олиш чораларини кўриш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Каримқул МАВЛОНОВ.**

Паркент тумани

### ИҚТИДОРЛИЛАР БЕЛЛАШУВИ

**30-умумтаълим мактабида 7-8-синфларнинг иқтидорли ўқувчилари "Мураккаб фанни ўрганаман" мавзусидаги тадбирда физика ва кимё фанлари бўйича баҳслашишди.**

Дастлаб ушбу фанларга асос солган буюк аждодларимиз сиймолари саҳна кўринишларида гавдаланди, уларнинг кашфиётлари ва амалий ишлари кўрсатиб берилди.

Сўнгра эса "Ёш физиклар" ва "Ёш кимёгарлар" тўгараги аъзолари амалий машғулотларини намойиш этишди.

**Умида ФАЗЛИЕВА.**

Касаначилик

## «ҚАЙС»НИНГ ЭКСПОРТБОП ГИЛАМЛАРИ



**Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, бандликка кўмаклашиш саъй-ҳаракатлари паркентлик аёллар учун айни муддао бўлаяпти. Зулхумор Эрматова устозлари Карима Иброҳимова ва Тожихон ая ёрдамида гилам тўқий бошлаганига 2 йилдан ошди. Гилам тўқиш сирларини тез ўзлаштириб олган касаначи хом ашёга ранг бериш жараёнига алоҳида эътибор қаратадиган бўлди.**

Чунки, чўғдек ёниб турган гиламлар ҳамиша харидоргир бўлади. Лекин, меҳнати ҳам шунга яраша. Битта 6 кв.м. ўлчамдаги гилам 3 ойда тўқиб битказилади. Шундай бўлса-да, гилам тўқишга қизиқувчилар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Ҳозир Зулхуморнинг 30 шогирди ундан касб сирларини ўрганишяпти. Эътиборлиси, улар икки ой давомида бепул ўқитилади.

"Қайс" корхонасида тўқилаётган гиламлар чет эллик харидорларга ҳам манзур бўлмоқда. Бир ойда 600 кв.м. гилам экспорт қилинмоқда.

**СУРАТДА:** моҳир гилам тўқувчи Зулхумор Эрматова (чапда) шогирдлари билан.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Анжуман

## МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

**Вилоят ҳокимлигида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг 20 йиллиги муносабати билан "Соғлом авлод – миллат келажаги" мавзуидаги вилоят анжуманига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмита йиғилиши бўлди. Тадбирни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева олиб борди.**

Вилоят соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ички ишлар, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Болалар спортини ривожлантириш, "Соғлом авлод учун" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Қизил Ярим ой" жамияти шаҳар, туман бўлимлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ходимлари иштирок этган йиғилишда анжуманни уюшқоқлик билан, юқори савияда ўтказиш, ҳар бир мутасадди ташкилотнинг вазифалари, масъулияти ҳақида сўз борди.

**Сайёра РАҲМОНОВА.**

Ҳуқуқий сабоқ

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида меҳнат қилиш шахснинг асосий ҳуқуқлари сифатида белгиланган бўлиб, ҳар бир шахс эркин касб танлаш ҳуқуқига эга эканлиги, давлат уларга меҳнат шароитлари яратиб бериши, ишсизликдан ҳимоя қилиш мажбуриятини олиши, меҳнатга яраша ҳақ тўлаш қонун билан кафолатланиши ҳамда амалдаги қонунларга асосан ҳеч ким асоссиз ишдан бўшатиб юборилиши мумкин эмаслиги каби инсон ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган.**

## МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?

Шундай бўлса-да, кундалик амалиёт давомида меҳнат низолари учраб туради. Бунинг асосий сабаби иш берувчи ёки ходимнинг меҳнат қонунчилигига тўлиқ амал қилмаслиги, меҳнат шартномаси тўғри тузилмагани ва баъзан кишиларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўғри тушунмаслигидир. Бунинг олдини олиш учун албатта меҳнат қонунчилиги омма ўртасида кенг тарғиб этилиши лозим. Айниқса, меҳнат қонунчилигини корхона ва муассасада ходимлар билан ишлайдиганлар мукаммал билишлари керак.

Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнат кодекси" мамлакатимиздаги меҳнат қонунчилигини тартибга солади. Унинг биринчи моддаси қуйидагича баён этилган: "Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек, жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодекс, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари ва Жўқорғи Кенгес қарорлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари, давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик ва ижроия органлари ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлардан иборатдир".

Демак, кодекс, қонун, фармон ва қарорлар моҳиятини кенг оммага тушунтириб боришимиз муҳимдир. Зеро, иш берувчи меҳнат қонунчилигини мукаммал билмаслиги ва фаолият жараёнида нотўғри қўллаши икки ўртада кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради.

(Давоми 2-бетда).

Форум-марафон

## ХАСТАЛИККА ҚАРШИ КЎПЛАШИБ

**"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" республика жамоатчилик бирлашмаси, "Ҳаёт учун!" кўкрак бези саратони миллий уюшмаси ташкил этган "Ҳаёт учун!" хайрия форум-марафонининг вилоят босқичи Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтди. 18 апрелга қадар республикамиз бўйлаб давом этадиган марафоннинг якуний босқичи пойтахтимизда Сьюзан Комен номидаги жамғарма билан ҳамкорликда 28 апрель куни ўтказилади.**

Анъанага кўра, марафондан тушган маблағ кўкрак бези саратони билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, жумладан, республикамиз бўйича аёлларни бепул тиббий кўрикдан ўтказиш, касалликни даволаш учун зарур дори воситаларини харид қилишга сарфланади. Вилоятдаги бош ҳомийлик вазифасини Олмалиқ кон-металлургия комбинати ўз зиммасига олган.

"Ҳаёт учун!" хайрия форум-марафони 2010 йилдан бери ўтказиб келинади. У юртимизда шу йўналишдаги энг йирик лойиҳалардан бири бўлиб, ҳар йили ўн минглаб иштирокчиларни бирлаштиради. Олмалиқдаги марафонда етти минг киши иштирок этди, минг нафардан зиёд қўллаб-қувватловчилар қатнашди.

Форум-марафондан кўзланган мақсад – кўкрак бези саратонига қарши курашнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, хусусан, аёллар учун тиббий кўрик акцияларини ўтказиш, касалликни даволаш учун дори-дармонлар харид қилишга маблағ тўплашдир. Бу маблағ эвазига мутахассислар саратон касаллигининг олдини олиш мақсадида ҳар йили тиббий кўрикдан ўтиш кераклиги ҳақида аёлларни огоҳлантирадилар, бепул маммография ва онкологик текширувлар ўтказадилар, зарур дори-дармонлар билан таъминлайдилар.

Марафонда ёши, жинси, ижтимоий мавқеидан қатъи назар иштирокчилар кўчалар бўйлаб оммавий югуришда фаоллик кўрсатишди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ва "Ҳаёт учун!" уюшмаси ва бошқа ҳомийлар ғолибларга эсдалик совғалари топширди.

Бундай кенг қамровли тадбирларни ўтказиш кўкрак бези саратонига қарши кураш масалаларига жамоатчилик эътиборини қаратиш ва манфаатдор шахсларни унга жалб этиш имкониятини беради. Анъанага кўра, хоҳловчилар футболка ёки пуштиранг тасма акси туширилган махсус буюмларни сотиб олиш орқали кўкрак бези саратонига қарши курашга ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин.

**Гулнора ТЎХТАНАЗАРОВА, "Аёллар кенгаши" республика жамоатчилик бирлашмаси вилоят бўлими раиси.**
**Камола ТЎЛАГАНОВА, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали раҳбари.**

## ФАОЛИЯТ ВА ИМКОНИЯТЛАР

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон савдо-саноат палатаси имкониятлари: Палатанинг ҳудудий бошқармалари, Ахборот-маслаҳат ҳамда Бизнесга кўмаклашиш марказлари фаолияти ва имкониятлари" мавзусида матбуот анжумани ташкил этди.**

Савдо-саноат палатаси масъул ходимлари, бир қатор вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этган тадбирда асосий эътибор ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бу борада яратилган ҳуқуқий асослар ижросига қаратилди.

Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес улуши 54,6 фоизга етган бўлса саноатда 22,2 фоизни ташкил этди. Экспорт хажми 11,6 фоиз ўсиб, кичик бизнеснинг экспортдаги улуши 15,8 фоиз бўлди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

«Жаҳон чемпионати – 2013»

## ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШМОҚДА

***«Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўсмирлар ва қизлар ўртасида оғир атлетика бўйича IV жаҳон чемпионати бошланди***




Халқаро оғир атлетика федерацияси (IWF), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда Оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу нуфузли мусобақа дунё атлетлари учун 2014 йилнинг 16-28 август кунлари Хитойда ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган II Олимпия ўйинларига йўлланма берадиган дастлабки ва энг асосий мусобақадир. Унда ўсмирлар 25, қизлар эса 22 олимпия лицензияси учун кураш олиб боради.

Ушбу жаҳон чемпионатига мезбонлик қилишга Ўзбекистондан ташқари Россия, Польша ва Таиланд каби давлатлар ҳам даъвогарлик қилган эди. Халқаро оғир атлетика федерацияси Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган оғир атлетикани ривожлантиришга доимий эътибор қаратилаётганини, мамлакатимизнинг нуфузли спорт анжуманларини юқори савияда ўтказиш борасидаги бой тажрибаси ва имкониятларини инобатга олиб, мазкур жаҳон чемпионатини Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилди.

(Давоми 4-бетда).

Ҳуқуқий сабоқ

# МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?

Масалан, даъвогар Э. Жамолова судга Бекобод тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 2-мактабгача тарбия муассасаси мудири Н. Хотамовага ишга тиклаш, ноиложликдан бекор юрган вақти учун иш ҳақи ҳамда етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида даъво ариза билан мурожаат қилган. Фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судининг 2012 йил 17 октябрдаги ҳал қилув қарорига асосан, Э. Жамолованинг аризаси қаноатлантирилиб, жавобгар Н. Хотамованинг 2012 йил 1 майдаги 8-сонли буйруғи бекор қилинган ва Э. Жамолова ўз иш жойи, хўжалик мудираси вазифасига қайта тикланган.

Ушбу суд қарори билан "Меҳнат кодекси"нинг 274-моддасига асосан Н. Хотамовадан даъвогар Э. Жамолова фойдасига етказилган моддий зарар ундирилиши белгиланган. Ишни кўриш жараёнида аниқланишича, муассаса мудири Н. Хотамова хўжалик мудираси Э. Жамолова билан меҳнат шартномасини бекор қилишда меҳнат қонунчилигига риоя этмаган. Мазкур иш фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг апелляция инстанциясида кўрилиб, Бекобод туманлараро судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Авваламбор, меҳнат шартномаси қонунга монанд, яъни "Меҳнат кодекси"нинг 72-моддаси талаблари асосида тузилиши лозим. Ушбу модда талаби бўйича Меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир. Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари ҳисобланадилар. Меҳнат шартномасини тузиш ҳақидаги келишувдан олдин қўшимча ҳолатлар (танловдан ўтиш, лавозимга сайланиш ва бошқалар) бўлиши мумкин. Ходим ўриндошлик асосида ишлаш тўғрисида, башарти бу қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бўлса, меҳнат шартномалари тузиши мумкин.

Меҳнат шартномаси муддати тўғрисида "Меҳнат кодекси"нинг 75-моддасида қуйидагича таъриф берилган: "Меҳнат шартномалари: номуайян муддатга; беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга; муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин. Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади.

Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек, муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас".

Бундан ташқари, меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозимлиги ҳам қонунда мустаҳкамланган. Меҳнат шартномасининг шакли Республика ҳукумати томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган намунавий шартномани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада тузилади ва ҳар бир тарафга сақлаш учун топширилади.

Меҳнат шартномасида тарафларнинг манзиллари кўрсатилиши шарт. Ушбу ҳужжат ходим ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзолари билан мустаҳкамланиб, имзоланган муддати қайд этиб қўйилади. Мансабдор шахснинг имзоси имзонинг ҳақиқий ваколатли эканини таъкидлаш тариқасида корхона муҳри билан тасдиқланади.

Меҳнат низолари келиб чиқишининг асосий омилларидан яна бири меҳнат шартномасини иш берувчи томонидан нотўғри бекор қилинишидир. "Меҳнат кодекси"нинг 99-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган муддатлар ўтгандан кейин ҳам ходим ҳақиқатда ишдан бўшатилмаган ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги истагини тасдиқламаган бўлса, ушбу моддага асосан ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди. Ариза берилгандан икки ҳафта ўтгандан сўнг ҳам ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган бўлса, иш берувчининг ходимни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруғи ноқонуний ҳисобланади ва ходим, албатта, ишига қайта тикланади.

Ходимлар сони ёки штатлар қисқартирилаётганда ходим меҳнат шартномаси бекор қилинаётгани ҳақида шахсан тилхат орқали икки ой олдин огоҳлантирилиши лозим ва огоҳлантиришда шу корхона ёки муассасадан бошқа иш таклиф қилиниши ҳам мумкин.

Юқоридагилардан ташқари меҳнат дафтарчасини тўғри ва қонуний тўлдириш ҳам катта аҳамият касб этади. Меҳнат дафтарчаси ходимнинг стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир. Иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно. Иш берувчи меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни ёзиши шарт. Ходимнинг илтимосига кўра меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосида ишлаган ва вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлар ҳақидаги ёзувлар киритилади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) меҳнат дафтарчасига ёзилмайди.

Юқоридагиларга кўра, меҳнат шартномаси қонунларга тўлиқ амал қилиниб тузилган бўлса, у иш берувчига ҳам, ходимга ҳам ҳеч қандай муаммо туғдирмайди ва натижада ўз-ўзидан меҳнат низолари ҳам келиб чиқмайди.

Демократик ҳуқуқий жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир шахс ўз ҳуқуқларини тўла биладиган ва унга амал қиладиган жамиятдагина қонун устуворлигига эришилади.

**Хушнур МАҚСУДОВ,**
**вилоят прокуратураси бўлим прокурори.**

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Боқий қадрият

**Тарихий китобларнинг далолат беришича, бизда деҳқончилик, боғдорчилик бундан тўрт-беш минг йиллар аввал, аниқроғи бронза давридан бошланган. Аждодларимиз башарият тарихида биринчилардан бўлиб сунъий суғоришни йўлга қўйишган. Янги ерлар очиб, экинзорлар, боғ-роғлар барпо этишган. Айни чоғда улар экин-тикин ишларини табиат тақвимига кўра бошлашган. Ҳут чекиниб, Ҳамал кириши билан далага қўш олиб чиқишган, ерга уруғ ташлашган, дарахт кўчатлари ўтқазишган. Ҳуту Ҳамалнинг алмашиш санаси (21 март) эса йилбоши сифатида Наврўз аталиб, тантана қилинган. Демак, Наврўз биз учун неча минг йиллар наридан келаётган энг қадимий, энг табаррук байрамдир.**

# ТЎКИНЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ РАМЗИ

Дунёда шундай ҳудудлар борки, одамлар қип-қизил тош-шағал устига тупроқ ётқизиб, ниҳол экишади. Шундай жойлар борки, сув устига тахта, ботқоқликка похол ётқизиб, тупроқ тўшаб деҳқончилик қилишади. Шуларни ўйларканмиз, беихтиёр Яратганга шукрона келтирамиз. Зеро, юртимизда йилнинг тўрт фасли тўкис, бирибиридан файзли, зийнатли. Тупроғимиз унумдор, зироатбоп ерларимиз мўлкўл. Беармон экин-тикин қилиш, боғ-роғ яратиш мумкин. Озгина меҳр берсанг, ортиқча заҳматсиз ҳам муродинг ҳосил бўлаверади.

"Боғи шамол", "Боғи дилкушо", "Боғи беҳишт", "Боғи баланд", "Боғи нақши жаҳон"... Булар соҳибқирон Амир Темур барпо эттирган машҳур боғлар, жами ўн иккита. Испан элчиси Клавихо де Гонзалес Самарқанд боғларида мевали, ҳатто, лимон ва цитрус дарахтлари ҳам кўплиги, адоқсиз узумзорларнинг ястаниб ётиши, фавворалар остидаги сувларда қип-қизил олмаларнинг қалқиб туриши, товуслар оҳиста сайр қилиб юриши, дастурхонлар анвойи мева-чева, полиз маҳсулотлари билан ҳамиша тўлиб туришини ҳайратланиб ёзади: "Боғ ва узумзорлар шу қадар кўпки, гўё шаҳар қалин ўрмонлар қуршовида қолгандек туюлади...".

Бу нисбатан яқин давр, яъни XIV-XV асрлардаги боғдорчиликка оид гаплар. Ваҳоланки, бизнинг заминда милоддан аввалги минг йилликларда ҳам (юқорида айтганимиздек) боғдорчилик, деҳқончилик юксак даражада бўлган. Масалан, Хоразмдаги Тупроққалъа деворларида қиз-жувонларнинг шафтоли, узум тераётган ҳолати акс эттирилган суратлар ёки Муғ тоғидаги қаср харобаларидан олча, шафтоли, ўрик данаклари топилган. Кўриниб турибдики, халқимизнинг боғ-роғ яратишга иштиёқи бобомерос одат. Бир парча бўш ер кўрса, тимдалаб, экин экади. Кўчат ўтқазиб, боғ яратади. Қолаверса, бу анъана халқимиз учун имон-эътиқод ишига айланиб кетган. Муқаддас динимиз ақидасига кўра, инсон дунёни обод қилиш учун, бунёдкорлик учун яратилган. Ҳосил бериб турган дарахтни ўринсиз кесиш, экинзорларни пайҳон қилиш эса оғир гуноҳ ҳисобланади. Соҳибқирон бобомиз ер ўзлаштириб, боғ яратган кишиларни солиқдан озод қилиш, бир туп кесилган дарахт ўрнига ўн туп ўтқазиш тўғрисидаги кўрсатмалари, ҳатто ўзи ҳам боғбонликка қизиққани, хусусан, пайванд қилишни яхши кўриши ва яна сўзимиз аввалида айтиб ўтганимиз – ўн иккита намунали боғ яратишга буйруқ бергани табиатга ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилганини тасдиқлайди.

Наманганнинг Чуст туманида Дагарбой Соатов исмшарифли машҳур боғбон бўларди. Шу киши ўтган асрнинг етмишинчи йилларида тоғ ён бағридан ер очиб, боғ яратади. Бу иш жуда машаққат билан амалга ошади. Сабаби – қишлоқ этагидаги Ғовасойдан сувни чиқариб бўлмасди, у фақат юқоридан, тоғ томондан келиши мумкин эди. Сув излаб тоғнинг нариёғига ўтади. Қараса, бир ариқ сув шарқираб оқиб ётибди. Сувни бу ёққа ўтказиш учун уч юз қадамча жойнинг қоятошларини кесиб, ариқ очиш керак. Ўн нафар тенгқур йигитни ёнига олиб, белкурак, чўкич, болға, темир поналар билан ишга киришади. Кўпчилик, айниқса раҳбар ходимлар бу ишга рўйхушлик беришмайди. Ўзбошимчаликка йўйишади. Бироқ, ёшлик қатъияти, орият кучи машаққатни енгиб, ўттиз бир кун деганда ўн бир азамат йигит ишни тугатишади. Ва эрта баҳордаёқ қишлоқ аҳли дала ишларини бошлаб юборади. Тиниб-тинчимас Дагарбой бошчилигида мевали дарахт кўчатлари, ток қаламчалари ўтқазишади. Сабзавот, полиз экинлари экишади. Дагарбойнинг ўзи 25 йил бригадирлик қилади. Ҳар йили янги ерлар очилиб, боғ ва узумзорлар кенгайиб боради. Истиқлолдан сўнг ерлар хусусийлаштирилиб, кўплаб фермер хўжаликлар ташкил этилади.

Мана, орадан сал кам ярим аср ўтса ҳамки, раҳматли Дагарбой ва унинг азамат шерикларининг ўша ибратли фидойиликлари унутилмайди. Ҳамқишлоқлар миннатдорлик билан ёдга олишади. Қолаверса, Ҳадиси шарифда марҳамат қилинганидек, токи улар яратган боғдан одамларми ё бошқа жонзотлар манфаатланар экан, уларнинг номаи аъмолига мўл-кўл ажру савоблар ёзилаверади.

Мустақиллик йилларида шаҳар қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Бу табиатда ҳам, атроф-муҳит ҳолатида ҳам яққол кўзга ташланди. Пахта яккаҳокимлиги тугатилиб, янги мевазор боғлар, узумзорлар барпо этилди. Боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил топди. Айни чоғда, юртимиздаги истироҳат боғлари, кўча ва хиёбонлар кўкаламзорлаштирилиб, сўлим оромгоҳларга айлантирилмоқда. Биргина пойтахтимиздаги Миллий боғ, Мустақиллик майдони ва Амир Темур хиёбонларининг кейинги йилларда бетакрор қиёфа касб этганининг ўзиёқ Ватанимизда қадим боғ меъморчилиги анъаналари қайтадан тикланаётганлигининг ёрқин ифодасидир.

Боғ-роғлар, гулу гулзорларга бурканган юртимиз Наврўзни кунлаб эмас, ҳафталаб эмас, балки, ойлаб байрам қилишида ҳам алоҳида ҳикмат бор. Табиат байрами, уйғониш, яшариш байрами, бунёдкорлик меҳнати билан юртни обод қилаётган, унинг равнақига равнақ қўшаётган, ризқимиз мўл-кўллигини таъминлаётган фидокор инсонлар байрами бўлмиш Наврўзи олам нафақат тўкин-сочинлик ва фаровонлик байрами, айни пайтда меҳр-оқибат, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик каби ўзбекона хислату фазилатлар рамзи ҳамдир.

**Қурбонбой ТУРСУНОВ,**
**вилоят бош имом-хатиби.**

Қишлоқ мулкдорлари



# «НИЯТИМ – ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ОЧИШ»

***дейди Янгийўл туманидаги "Гопил қизи Туймажон" фермер хўжалиги раҳбари Фозилбой Рихсибоев***

Фермер узоқ йиллар далада меҳнат қилган асл деҳқонлардан. Фермерлик қилаётганига ҳам ўн йил бўлди. Соҳада орттирган тажрибаларига таяниб иш тутаётгани учун, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги юқори. Ғалладан ўтган уч йил давомида 50-60 центнер ҳосил олди. Даромад ҳам меҳнатга яраша бўлиб, 100 миллиондан ошяпти. Хўжалик бу йил 60 гектарда ғалла етиштиряпти. Парвариш бугунги кун талаби даражасида бўлаётгани, уруғ эрта сепилгани боис, экин қиш-қировли кунлар бошлангунга қадар қалин туплади. Бу ҳосил эрта етилиши ва баракали бўлишидан далолат. Тахминан 15 сотихча ерда плёнка остида қулупнай етиштириляпти.

– Хўжалигимизнинг доимий 14 аъзосини ойлик маош билан узлуксиз таъминлаб бориш учун шу ва бошқа мавсумий экинлар ҳам экамиз, – дейди фермер. – 10 гектардан зиёд бўш турган ерда картошка, мош, пиёз, сабзи ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўзлаяпмиз. Шунинг учун шийпонимизда мавсумий экин-тикин ва ундан кейинги дала ишларида асқотадиган 1 та чопиқ, транспорт трактори, 1 та сеялка, борона ва бошқа агрегатлар хизматга шай.

Фозилбойнинг фикрича, ўзини чинакам фермер ҳисоблайдиган қишлоқ мулкдори бошқа соҳалар билан ҳам шуғулланиши, қолаверса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини барпо этиб, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришига ҳам ҳисса қўшиши керак. Унинг сўзида жон бор. Биринчидан, шундай қилиш учун мамлакатимизда етарли шароитлар мавжуд. Иккинчидан, янги иш ўринлари очилади. Ички бозорларимиз маҳсулотга тўлади. Бозор иқтисодиётининг асосий шарти ҳам шу аслида.

Фермернинг келажак режаларига қизиқдик. "Ниёзбош" қишлоғида автомобилларга техник ва маиший хизмат кўрсатиш устахонаси ва эҳтиёт қисмлар сотишга ихтисослашган "Автосалон" очиш, бу билан 10 га яқин янги иш ўринлари яратиш ва бошқа режалар тараддудида юрганини айтди.

– Аграр университетида фермерларнинг ўқув машғулотида қатнашдим, – дейди у. – Асаларичилик, паррандачилик, боғдорчилик билан шуғулланадиган соҳа усталари билан танишдим. Улар билан амалий алоқани йўлга қўйдим. Ўйлаб кўрсам, бу ишлар билан шуғулланишимда муаммо бўлмайди.

Ҳа, даромаднинг буромадини билган кишининг бугун ошиғи олчи...

**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТДА:** (ўнгдан) фермер Фозилбой Рихсибоев хўжалик аъзолари билан буғдой ҳолатини кўздан кечиряпти.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

**Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси ҳар ойнинг биринчи сешанбасини ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ деб эълон қилади.**

Вилоят оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир фикр-мулоҳазалар ва таклифларингизни қуйидаги «Ишонч телефони» орқали билдиришингиз мумкин: (8371) 233-68-25.

Истеъмолчи доимо ҳақ

# СОТУВЧИЛАРНИНГ БАҲОНАСИ ЎТМАДИ

*– Ўтмайди ҳам, – дейди Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмаси матбуот ва ахборот сектори мутахассиси Гавҳар Соатова. – Чунки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари Ўзбекистон Республикасининг шу ҳақдаги махсус Қонуни билан ҳимоя қилинади.*

Бирлашма матбуот ва ахборот сектори таҳририятимизга тақдим этган маълумотларга қараганда, ҳудудий бирлашма ва унинг вилоят шаҳар ҳамда туманларидаги жамиятлари ходимлари истеъмолчилардан ёзма ҳолда, шунингдек, оғзаки ва "Ишонч телефонлари" орқали тушаётган ариза-шикоятларнинг биронтасини ҳам эътибордан четда қолдирмай, вақтида қонуний кўриб чиқиш ва адолатли ҳал этишга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, маълумотда келтирилишича, замонавий уяли алоқага талаб кучайиб бораётгани боис, бундай алоқа воситалари бозоридаги рақобат ҳам зўрайиб, ўзига яраша муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Олмалиқ шаҳрилик истеъмолчи А. Гладких "Динамо" савдо расталарининг биридан "Нокия 62-33" русумли уяли телефон аппарати сотиб олди-ю, ўн кун ўтмаёқ чув тушганини англади. Экрани яхши кўрсатмай қўйди, бошқа нуқсонлари ҳам борлиги маълум бўлди. Шундан сўнг истеъмолчи дўконга мурожаат қилди. Аммо, савдо ходимлари шартнома муддати ўтиб кетган дея баҳона қилиб, истеъмолчининг талабини рад этишди. А. Гладких ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида шаҳар жамиятига ариза йўллади. Ушбу ташкилот аралашгач, истеъмолчининг розилиги билан унга бошқа русумдаги сифатли телефон берилди ҳамда нархидаги фарқ харидорга қайтарилди.

Шу шаҳарда яшовчи А. Шодиев дўкондан "Artel" телевизори харид қилди. Орадан бироз муддат ўтиб, телевизорда носозлик борлиги маълум бўлди. Аммо дўконга мурожаат қилиб, қониқарли жавоб ололмагач, ҳуқуқидан фойдаланишга қарор қилди. Жамият ходимлари вазиятга ойдинлик киритиб, телевизорни дўкон ходимлари томонидан таъмирлатиб беришди.

Н. Мамутова шаҳардаги "Импульс" дўконидан ўтган йили май ойида бир миллион сўмга уч йиллик кафолат муддати билан газ плитаси харид қилди. Октябрь ойига келиб, плита бузилиб қолди. Дўкон ходимлари истеъмолчига "бугун-эрта" деб вақтни чўзаверишди. Тоқати тоқ бўлган Н. Мамутова ҳудудий бирлашманинг шаҳар жамиятига арз қилди. Пировардида дўкон усталари плитани таъмирлаб беришди.

**Самад ЙЎЛДОШ.**

Тақдимот

# ТАҲРИРИЯТ ЯНГИ БИНОГА КЎЧДИ

**Мустақиллик йилларида босма оммавий ахборот воситалари 1,5 баравар, электрон оммавий ахборот воситалари 7 баравар кўпайиб, 1200 тага етди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, оммавий ахборот воситалари фаолиятини замон даражасига кўтариш учун ҳуқуқий кафолат ва шароитларни, журналист ва техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш масалалари демократик давлат барпо этиш вазифасининг узвий қисми бўлишини таъминлаш зарур.**




– Кейинги йилларда марказда ва жойларда оммавий ахборот воситалари моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш саъй-ҳаракатлари анча кучайди, – дейди "Чиноз ҳаёти" газетаси бош муҳаррири Орзиқул Маъмуров. – Таҳририятимиз барча қулайлик ва шарт-шароитлар яратилган замонавий қиёфадаги бинога кўчиб ўтгани айни муддао бўлди. Асосий ва қўшимча хоналар кенг, ёруғ ва шинам, барча зарур жиҳозлар билан таъминланган. Ишлаш учун имконият ва қулайликлар етарли. Жиҳозлар янгиланди, сўнгги русумдаги компьютер жамланмалариga эга бўлдик.

Таҳририят янги биносининг очилиш тадбирида сўз олганлар мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар изчил амалга оширилаётганини қайд этишди. Шунингдек, соҳага доир қатор қонунлар қабул қилингани, мавжуд қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани соҳа ривожини таъминлаётгани эътироф этилди.

– Обод турмуш йили муваффақиятли бошланди, – дейди газета мухбири Рустам Камолов. – Йил бошидан газетамиз рангли кўринишда чиқа бошлади. Бу обуна ортишига, ўқувчиларимиз кўпайишига туртки бўлди. Янги бино эса ғайратимизга ғайрат қўшади.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Адабий кеча



# ЯГОНАСАН, ВАТАНИМ!

**Вилоят Маданият ва маърифат марказида "Ватан ягонадир, Ватан биттадир" мавзуида шеърият ва мусиқий кеча уюштирилди.**

**Тадбирда таниқли ёзувчи ва шоирлар, ёш ижодкорлар иштирок этди.**

Ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, урф-одат, анъана ва қадриятларимизни ҳурмат қилишга ўргатиш мақсадида ташкил қилинган тадбирда ёшлар учун яратилаётган шароит ва имкониятлар уларга маънавий тетиклик бағишлаётгани ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, вилоят ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган "Илк қадам" тўгараги аъзолари назм ва насрдаги ижод намуналарини йиғилганларга ўқиб эшиттирдилар. Кечага ташриф буюрган шоир ва ёзувчилар ёш ижодкорларга фойдали тавсиялар бердилар. "Илк қадам"нинг Қибрай, Зангиота туманлари ва Олмалиқ шаҳри аъзолари Фотима Умарова, Гулҳаё Эшқобилова, Жонибек Алижоновларнинг ижод маҳсуллари алоҳида эътироф этилди.

Устоз ва шогирдлар "Менинг биринчи китобим" номли тўпламни нашрга тайёрлаш борасида фикр алмашдилар. Шунингдек, ҳар ойда шундай ижодий кеча уюштириш ҳақида келишиб олинди.

**Ирода МАҚСУД қизи.**
**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

Эътироф

# ҲАМКАСБИМИЗ – АКАДЕМИЯ ДОКТОРИ



**"Оққўрғон овози" вилоят шаҳар ва туман газеталари орасида ўзига мос ўрин ва нуфузга эга. Таҳририят газетхонлардан келаётган хат-хабарларга алоҳида эътибор билан қараб, улардан иложи борича кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилади. Айниқса, тумандаги ёш истеъдодларни кашф этиш ва қўллаб-қувватлашни таҳририят раҳбарлари ўзларининг устувор вазифаларидан бири деб биладилар.**

Шунинг учун газета саҳифаларида "Ёш қаламкашлар", "Ёшлар ижодидан", "Қизлар гулдастаси", "Адабиёт саҳифаси" каби рукнлар остида тумандаги ёш қаламкашларнинг назм ва наср йўналишларидаги ижодларидан намуналар тез-тез чоп этиб турилади.

Ёш ижодкорларга шундай шарт-шароитлар яратилиши натижасида туманнинг чекка ҳудуди ҳисобланган С. Сегизбоев номли массивдан Шаҳноза Ражабова, "Султонобод" массивидан Ҳулкарой Шерзодова, Шаҳноза Жуманова каби ёш ижодкорлар вилоят ва республика танловларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашди. Бундан ташқари, газетада ёшларнинг маданият ва спорт ҳамда бошқа соҳалардаги ютуқлари ҳам кенг ёритиб борилаяпти. Мустақиллик йилларида эришилаётган ютуқлар кенг шарҳланиб, миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига чуқур сингдиришга катта эътибор қаратилаяпти.

Бу ишларда "Оққўрғон овози" муҳаррири Абдулла Маъдиевнинг ҳиссаси катта. Мана 25 йилдирки, у халқимизга маънавият улашишдек шарафли ва машаққатли касбда самарали меҳнат қилиб келмоқда.

1840-1912 йилларда яшаб, ижод қилган ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларидан бири Юсуф Сарёмийнинг чевараси сифатида Абдулла Маъдиев "Бобом – фахрим менинг" номли илмий-тарихий китобида бобоси ва шу улуғ шажара ҳақида билганларини чиройли тарзда ифодалаб берди. Бундан ташқари, "Етти ота" достонида назмий йўналишда ўз шажарасини талқин этди.

Туманда шажарачиликни, насл-насаб софлигини тарғибот қилишга асос солгани кўпчиликнинг шу ишга бел боғлашига туртки бўлди. Кўп кишилар келиб Абдулла акадан ўз шажарасини тузишда маслаҳатлар сўраганига гувоҳ бўлганман. У киши эринмай, йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳатлар беради.

Абдулла аканинг томирида улуғ аллома бобосининг қони жўш уриб тургани сабаблими, у ҳам ижод билан шуғулланиб, мухлислар қалбидан жой олган асарлар яратди. "100 йил" шеърий қиссасини, "Шукр қил", "Ёғмай туринг, ёмғирлар" шеърларини мухлислар ёд олиб, давраларда айтиб юришади:

*Тарих ўзи юз йилда*
*Бир марта қайтар экан.*
*Ҳар миллатга ҳар тилда*
*Ўз сўзин айтар экан.*

Сермаҳсул ижодкор "Умрим зарварақлари", "Шукр қил", "Муҳаббат юракда туғилар шундай" номли китобларида теран фикрларга йўғрилган, халқдан олиб халққа қайтарганлари – шеърлари ўрин олган.

Абдулла Маъдиевнинг соф туйғулар билан битган асарлари, элга қилган хизматлари, фидокорона меҳнатлари зое кетмади. Халқаро "Антик дунё" ("Antique World") илмий академияси уни мазкур академиянинг докторлик унвонига муносиб топди. Яқинда туман ҳокимлигида академия профессори Санжар Мирсолиҳов докторлик нишонини Абдулла аканинг кўксига тақиб, дипломини тантанали суратда топширди ва "Мантия" фахрий либосини кийдирди.

Шу ўринда Халқаро "Антик дунё" илмий академияси ҳақида икки оғиз сўз. Академиянинг ташкил топиш тарихи милоддан аввалги VI асрга бориб тақалади. Ҳозир академия Греция пойтахти Афинада жойлашган. Мақсади – илм-фанни тарғиб қилиш ва уни ривожлантиришга ҳисса қўшиш, инсон нуфузини ошириш, барчани билим олишга, гўзаллик, яхшиликка ундаш. Вазифаси эса, антик дунёдан бошлаб ҳозирги кунгача бўлган даврда илм-фаннинг тарихий тараққиёт босқичларини ўрганиш. У Ўзбекистонда 1993 йил 22 октябрда 879-к рақами билан рўйхатдан ўтгандан буён юридик кучга эга. "Антик дунё" газетаси ва журнали чоп этилади. Доцент, доктор, профессор, академик, "Лауреат" кўкрак нишонлари, диплом ва "Мантия" либоси мавжуд.

"Академиянинг унвонлари энг нуфузли ихтиролар, кашфиётларга асос солган, эл-юрт ўртасида ҳурматга эга бўлган кишиларга берилади. Шундай инсонлар борки, илмий даражаси бор, лекин нуфузи йўқ. Шундай инсонлар борки, нуфузи баланд, илмий даражаси йўқ. Уларнинг элга фойдаси илмий даражаси борлардан кўра кўпроқ тегади" дейилади академия фаолияти ҳақидаги рисолада. Академия шундай кишиларни кашф этиб, уларга илмий даража беради.

**Ҳамид МУСОҚОВ.**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2013 йил 3 апрелдаги 30-сонли Баённомасининг қарори билан қуйидаги:

**Тошкент шаҳридаги**
**«ZAR XON TRANS» МЧЖга тегишли:**

– "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2009 йил 14 май куни берилган "АТ" серияли 000173-рақамли лицензиянинг амал қилиши 2013 йил 4 апрелдан тикланганлиги тўғрисида маълумот беради.

### "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: 1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 14.11.2011 й. № 361-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, С. Раҳимов кўчасида жойлашган "Жисмоний маданий соғломлаштириш комплекси". Бошланғич баҳоси – 150 453 000 сўм. 2. Қибрай тумани СИБ томонидан 01.05.2012 й. № 6237/5-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар Ш.Ф.Й "Селекция" маҳалласида жойлашган тикувчилик устахонаси. Бошланғич баҳоси – 41 050 710 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 25 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Тошкент шаҳар, "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

**Лицензия: RR-0052.**

### "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Янгийўл туман СИБ томонидан, ЖИБ Янгийўл тумани судининг 2012 йил 15 майдаги 1-275-12-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Фарҳод МФЙ Беруний кўчаси, 32-уйда жойлашган, умумий ер майдони 250 кв.м., фойдали майдони 102,17 кв.м.дан иборат бўлган нотураржой биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 41 230 000 сўм.

Савдо 2013 йил 15 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 13 май куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-80-26. www.1kms.uz.

**Лицензия: RR-0001.**

### Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси давлат активларини тўғридан-тўғри (оммавий оферта) музокаралар олиб бориш йўли билан сотиш савдоларига таклиф этади

**Сотувчи:** Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси
**Сотувчининг манзили:** 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй.
**Алоқа телефонлари:** (8-371) 268-23-21, 268-27-29, факс: 268-27-29.

**Сотиш таклиф қилинаётган давлат активларининг номи, сони, тавсифи ва жойлашган манзили:**

| № | Объект номи | Объект манзили | Балансда сақловчининг номи, манзили | Объект тавсифи | Сотиш таклиф қилинаётган нархи, сўм | Энг кам инвестиция миқдори | Хусусийлаштирилиши белгиланган ҳукумат қарори |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 15-уйнинг ярим ертўласи | Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, 4-ноҳия | Ангрен шаҳар ҳокимлиги, 110200, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри | Бинонинг қурилишости майдони 350,52 кв.м. | 57 755 000 сўм | Сотиб олиш қийматининг 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш, янги иш ўринларини ташкил этиш | ПҚ-1743 25.04.2012 й. |
| 2 | 7-уйнинг биринчи қаватидаги нотураржой майдони | Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Янгиобод қўрғони, Ғ. Ғулом кўчаси | | Бинонинг қурилишости майдони 171,83 кв.м. | 43 007 200 сўм | | ПҚ-1743 25.04.2012 й. |
| 3 | 3-уйнинг биринчи қаватидаги нотураржой майдони | Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Янгиобод қўрғони, Наврўз кўчаси | | Бинонинг қурилишости майдони 84,96 кв.м. | 27 502 400 сўм | | ПҚ-1743 25.04.2012 й. |
| 4 | 10-уйнинг биринчи қаватидаги "Нотурар жой" майдони | Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Янгиобод қўрғони, Театральная кўчаси | | Бинонинг қурилишости майдони 467,64 кв.м. | 157 500 000 сўм | | ПҚ-1743 25.04.2012 й. |
| 5 | "Бино ва иншоотлар" | Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин Қ.Ф.Й., Катта Ўзбек тракти ҳудуди | Зангиота туман Давлат солиқ инспекцияси, 111100, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Келес шаҳри, К. Ғафуров кўчаси, 7-уй | Ер майдони 0,2705 гектар, биноларнинг қурилишости майдони 477,4 кв.м. | 694 570 000 сўм | | ПҚ-1743 25.04.2012 й. |
| 6 | "Дам олиш маскани" бино ва иншоотлари | Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Янгиобод-2 қўрғони, Охунбобоев кўчаси, 1-уй | Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Электроника институти, 100125, Тошент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33 | Ер майдони 0,34 гектар, биноларнинг қурилишости майдони 226,62 кв.м. | 122 428 400 сўм | - | ПҚ-1743 25.04.2012 й. |
| 7 | Эски "Шийпон" биноси | Тошкент вилояти, Пискент тумани, И. Ҳайдаров ФХУ ҳудуди | Пискент тумани ҳокимлиги, 111400, Тошкент вилояти, Пискент тумани, А. Темур кўчаси, 138 | Ер майдони 0,20 гектар, биноларнинг қурилишости май дони 214,58 кв.м. | 26 462 250 сўм | - | ВМ – 120 27.04.2011й. |
| 8 | Собиқ 10-сонли умум ўрта-таълим мактаби биноси | Тошкент вилояти, Пискент тумани, Оқтепа ҚФЙ ҳудуди | | Ер майдони 0,42 гектар, биноларнинг қурилишости майдони 715,52 кв.м. | 82 340 300 сўм | - | ВМ – 120 27.04.2011й. |
| 9 | Собиқ 3-сонли умум ўрта таълим мактаби биноси | Тошкент вилояти, Пискент тумани, Дилафкор кўчаси | | Ер майдони 0,32 гектар, биноларнинг қурилишости майдони 1355,67 кв.м. | 97 168 850 сўм | - | ВМ – 120 27.04.2011й. |

Музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва жойи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси биносида 2013 йил 13 май куни соат 11.00да бўлиб ўтади.

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари (сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни ўтказиш шакли, муддати ва шартлари):

1. Энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш.
2. Тўлов муддатини қисқа муддатларда амалга ошириш.
3. Сотувчи билан 20 кун муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш.

Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш тамом бўлиши санаси ва вақти: 2013 йил 12 май куни соат 18.00гача.

Тўғридан-тўғри (оммавий оферта) музокараларда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– сотувчининг банк ҳисоб рақамига савдога қўйилган давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизи миқдорида закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

– қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган талабгор таклифлари;

– сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

– инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдода қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ва ўз ҳуқуқларингиз поймол қилиниш ҳолатлари ёки ошкоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 268-23-21 телефон рақамларига хабар қилишингиз сўралади.

## ИЖТИМОИЙ РЕКЛАМА

**2013 ЙИЛДА ҚИШЛОҚЛАРДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ!**

**2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- *Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти;*
- *Қулай жойлашув: дўкон, мактабларга яқин жойда;*
- *Замонавий дизайндаги уйлар;*
- *Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга;*
- *Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равон йўлларга эга;*



- *Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.*

**Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- *Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қолинган маблағингиз оилавий режалар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади;*
- *Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратади;*
- *Янги уйлар Сиз учун узоқ муддатли сармоя ва фарзандлар учун мерос.*



**Келажак учун ЖАМҒАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- *Омонатингизни кўпайтириш имконияти;*
- *Имтиёзли фоиз ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити;*
- *Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;*
- *Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;*
- *Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни – тежамкорлик ва арзон нархлар гарови.*



**Замонавий қурилиш моллари ва ЮҚОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- *Танловдан ўтган пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги;*
- *Бир йиллик сифат кафолати;*
- *Улгуржи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.*



**Марҳамат, мурожаат қилинг:**

- *Туман ёки вилоят ҳокимликларига;*
- *Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига;*
- *"Камолот" ЁИҲ бўлинмаларига;*
- *Хотин-қизлар қўмиталарига;*
- *"Қишлоқ қурилиш банк" филиалларига, мини банкларига;*
- *"Қишлоқ қурилиш инвест" филиалларига.*

*100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз, 36*
*Тел.: (+998 71) 150-93-39*
*Факс: (+998 71) 150-39-93*
*www.qqb.uz*
*e-mail: headoffice@qqb.uz*

### "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Миробод тумани СИБ томонидан: 1. 10.05.2012 й. № 16629/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1980 й. и/ч. Москвич-412, д/р. 30 M 8549. Бошланғич баҳоси – 660 698 сўм. 2. 25.03.2012 й. № 11368/5-сонли ижро ҳужжатига асосан 1995 й. и/ч. Газ 31029, д/р. 01 X 969 CA. Бошланғич баҳоси – 784 664 сўм. 3. 24.05.2012 й. № 18072/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и/ч. Ваз 2106, д/р. 01 T 784 FA. Бошланғич баҳоси – 2 705 099 сўм. 4. 08.10.2012 й. № 34268/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 2003 й. и/ч. "Даймлер Крайслер", д/р. 10 A 737 AA. Бошланғич баҳоси – 77 900 000 сўм. Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланмоқда. 5. 10.05.2012 й. № 15697-сонли ижро ҳужжатига асосан 1975 й. и/ч. Ваз 2103, д/р. 30 U 0113. Бошланғич баҳоси – 1 687 548 сўм. 6. 09.07.2012 й. № 24509/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. и/ч. Ваз 2107, д/р. 10 X 3994. Бошланғич баҳоси – 7 190 596 сўм. 7. 10.11.2010 й. № 14144/21-сонли ижро ҳужжатига асосан 2005 й. и/ч. Range-Rover, д/р. 30 Z 1501. Бошланғич баҳоси – 189 670 500 сўм. 8. 01.06.2012 й. № 18927/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. и/ч. "Москвич 412", д/р. 01 Q 293 CA. Бошланғич баҳоси – 1 376 245 сўм. 9. 01.12.2011 й. № 25109/21-сонли ижро ҳужжатига асосан 1998 й. и/ч. "Заз-968", д/р. M 4954 TH. Бошланғич баҳоси – 198 187 сўм. "Нумизматика" МЧЖда сақланмоқда. 10. Бектемир тумани СИБ томонидан 13.01.2011 й. № 07-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч. "Каптива", д/р. 01 V 101 BA. Бошланғич баҳоси – 55 795 140 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 25 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004887305001, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

Тузатиш киритилди: "Тошкент оқшоми" рўзномасининг 2013 йил 22 март № 58-сонида чоп этилган Зангиота тумани СИБ томонидан 30.01.2013 й. № 1280-сонли ижро ҳужжатига асосан "ТТЗ80.10", д/р.сиз. Бошланғич баҳоси – 34 544 000 сўм бўлган автотранспорт воситасининг бошланғич баҳоси – 29 544 000 сўм деб ўқилсин.

**Гувоҳнома № 004593.**

---

Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2011 йил 9 августда № 159/1620 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "METAN ELIT" масъулияти чекланган жамияти (ИНН 301035445, ОКПО 22559883) **ТУГАТИЛАДИ**, (2013 йил 4 апрелдаги 1-сонли таъсисчилар қарори).

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99898) 369-70-12 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

---

Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2011 йил 22 ноябрда № 190/1651 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "KARIM DAVRON FAYZ" хусусий корхонаси (ИНН 302141495, ОКПО 23883025) **ТУГАТИЛАДИ**, (2013 йил 8 апрелдаги 1-сонли қарор).

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида (+99890) 956-00-07 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

---

Яккасарой туманида рўйхатга олинган "EXPERIENCED MASTER" (СТИР 302534590) оилавий корхонаси ўз-ўзини тугатишини маълум қилади. Маълумот учун тел.:(+99890) 320-32-01.

---

Пискент туманидаги "PISKENT MEHR SERVIS" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

"ERMANOV TULAGAN ABDUXALILOVICH" якка тартибдаги тадбиркорнинг номига 2012 йил 13 декабрда берилган реестр рақами № 0515501 бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

ООО "IL VETRO" (ИНН 302524034), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента за реестровым № 008655-08, расположенное по адресу: ул. К. Шарипова, дом 9-А, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Решение учредителя от 09.04.2013 г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 369-71-77.

---

Утерянный диплом YB-I № 047981, выданный в 05.07.1990г. Ташкентским Фармацевтическим институтом на имя Янгибаевой Муаззам Купайсиновны, **СТИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

---

"STAR ALFA PROGGRES" (ИНН 300659072) масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди миқдори 91 111 075 сўм 88 тийиндан 3 200 000 сўмга камайганлигини маълум қилади.

